

Эй уммат қиёмат яқин... (учинчи мақола)



11:00 / 09.06.2020 4669

Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Табук ғазотида Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига, теридан қилинган қубба остига келдим. Бас, у зот: «Қиёматдан олдинга олти нарсани сана; Менинг ўлимим. Сўнг Байтул Мақдисни фатҳ қилиниши. Сўнг қўйнинг бошига тушадиган каби қуртларнинг сизни тутиши. Сўнг мол кўпайиб ҳатто бир кишига юз диноҳ берилса ҳам норозилигида давом этиши. Сўнг арабларнинг уйларидан бирортасини қўймай кирадиган фитна. Сўнг сиз билан Бани Асфар орасида бўладиган сулҳ. Улар сизларга хиёнат қилиб саксон байроқ остида устингизга бостириб келурлар. Ҳар бир байроқ остида ўн икки минг бор», дедилар».** Бухорий ривоят қилган.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Токи Қаҳатондан одамларни асоси ила ҳайдаб юрадиган бир одам чиқмагунча қиёмат қоим бўлмас», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Қаҳатон Ямандаги шаҳарнинг номи.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Токи Жаҳжоҳ деб аталувчи киши малик бўлмагунча кунлар ва тунлар кетмас», дедилар.

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Термизийнинг ривоятида:

«Токи озод қилинган қуллардан бўлган, Жаҳжоҳ деб аталадиган киши малик бўлмагунча тун ва кун кетмас», дейилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Токи қуйидагилар бўлмагунча қиёмат қоим бўлмайди; Токи чақириқлари бир бўлган икки улкан гуруҳ орасида катта уруш бўлмагунча. Токи ўттизга яқин дажжол каззоб чиқиб улардан ҳар бири ўзини Аллоҳнинг расули деб даъво қилмагунча. Токи илм қабз қилинмагунча. Токи зилзилалар кўпаймагунча. Токи замон тез ўтадиган бўлмагунча. Токи фитналар зоҳир бўлмагунча. Токи ҳараҳ-қатл кўпаймагунча. Токи ичингизда мол кўпайиб, тўлиб тошиб мол эгасини садақасини кимга бериш ташвишга солиб бировга арз қилса, ўша арз қилинган одам «менинг у билан ишим йўқ» демагунча. Токи одамлар бино қилишда ким ўзарга ўтмагунча. Токи бир киши бошқа бир кишининг қабри ёнидан ўтаётиб, мен унинг ўрнида бўлсам қани эди, демагунча. Токи қуёш мағрибидан чиқмагунча. Қачон у чиққанда одамлар барчалари иймон келтирурлар. Бу ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермайдиган пайтда бўлади. Албатта, қиёмат икки киши ораларида кийимларини ёзиб уни савдолашмай ёки йиғиштирмай туриб қоим бўлади. Албатта, қиёмат туясининг сутини келтириб ича олмай туриб қоим бўлади. Албатта, қиёмат у ҳавзини тузатиб бўлиб ундан сув ичбай туриб қоим бўлади. Албатта, қиёмат у луқмасини оғзига

кўтариб уни емасидан туриб қоим бўлади», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадису-шарифда зикр қилинган қиёматнинг аломатларидан бўлганлари, бўлаётганлари ва бўлажаклари бор. Шунингдек, бу ҳадису-шарифда қиёмат қоим бўлганда ҳеч ким ўзини қилаётган ишини охирига етказа олмайдиган тезликда бўлиши ҳам эътибор қаратилмоқда.

(Давоми бор)

Islom.uz портали таҳририяти